Ушбу сонда:
2 Бир Фармон шарофати ТОҒ ЁНБАҒРИДА КОРХОНА
3 Қонун барчага баробар ЎҚУВЧИСИНИ ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН УСТОЗ
4 Бор бўл, оқибат! АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 15 июн, чоршанба № 94 (1935)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Дастурни ижро этиш бўйича тузилган ишчи Комиссия томонидан бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги танқидий таҳлил қилинди. Жойларда бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган Қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳволи ўрганилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ҳукумат қарорларининг, идоравий норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳалари рўйхати тузилган бўлиб, улар тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати (1-иловага мувофиқ);

янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини ижро этиш бўйича қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (3-иловага мувофиқ) қабул қилинганлиги ва амалда рўёбга чиқарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси (Р.Азимов):

белгиланган муддатларга мувофиқ 1-иловадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилиши ва келишиб олинишини таъминласин ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат ҳокимияти олий органлари ва Ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим қилсин;

ушбу Фармонда кўзда тутилган янги Қонунлар лойиҳалари тайёр бўлишига қараб уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритсин;

ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга оширишнинг аниқ-пухта механизмларини албатта назарда тутсин;

зарур ҳолларда, иқтисодий ислоҳотларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига қўшимчалар киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

мазкур Фармонга мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ижро этилишини қаттиқ назорат остига олсинлар;

ўз даражаларида қабул қилинадиган норматив ҳужжатларнинг мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва Ҳукуматга киритиш таомилидан ўтиши устидан мониторинг ўрнатсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатлар белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминласин;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда амалда рўёбга чиқарилишини таъминласинлар, токи умуман мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқароси амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 14 июн

---

*Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди*

## ЁШЛАР ПРЕЗИДЕНТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

***Андижон давлат университетида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Университет - Фарғона водийсидаги кўҳна ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири. Бу ерда 11 минг талаба таҳсил олади. Улар орасида кўпгина таниқли спортчилар, Олимпия ўйинлари, жаҳон биринчиликлари, қитъа ва Марказий Осиё чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бор.

Маросимда сўзга чиққан университет ректори Сирожиддин Зайнобиддинов давлатимиз раҳбарининг 13 май воқеаларига баҳо берилган китоб ҳақида гапириб, ёшларнинг онги ва қалби учун мафкуравий, ахборот ҳужуми авж олган бугунги кунда маънавий тарбиянинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мураккаб ва хавфли вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини кўрсатиб берди.

13 май куниёқ у Андижонга етиб келиб, бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. У андижонликлар, бутун Ўзбекистон халқи, демократик, эркин жамият қурилишини давом эттирадиган ёш авлоднинг тақдири ва хавфсизлигини ўйлаб иш тутди. Кўп раҳбарлар сингари пойтахтдан чиқмай қарор қабул қилиш ҳам мумкин эди. Аммо, Президентимиз фожиали воқеалар рўй берган шаҳарга келиб, вазиятни тезда ҳал этиш учун зарур чоралар кўрди. Оғир соатларда у орамизда, халқ ичида бўлди. У халқига бўлган садоқатини шахсан исботлаб берди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан талабалар террорчиларнинг ҳаракатларини қатъий қоралади.

- Ўша оғир дамларда ота-онам билан бир қаторда, ҳурматли Президентимиз ҳам менинг омонлигим тўғрисида ўйлашига ўзим амин бўлдим,- деди биология факультети 4-курс талабаси Маҳбуба Камолова. - У киши биз ёшларга оталарча ғамхўрлик қилмоқда ва бу қалбимизни ишонч ҳисси билан тўлдирмоқда.

- Зафар ҳалол ва очиқ курашда қозонилади, бегуноҳ одамларни пана қилиб эмас. Тун қоронғусида беркиниб, орқадан ҳужум қилиш фақат қўрқоқ ва хоинларнинг иши, - миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Зоҳид Жумақуловнинг фикри шундай.

- 13 май воқеалари ҳар биримиз учун сабоқ бўлди,- дейди тарих факультети магистранти Ботир Тожибоев. - Истиқлолнинг келажаги маънавий қудратимиз, қатъиятимиз ва олган билимларимиз, дунёқарашимизга боғлиқ эканини яна бир карра ҳис этдик.

Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида, вилоятнинг бошқа олий ўқув юртлари ва муассасаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

## ҲАҚИҚАТ БОР ЖОЙДА МИШ-МИШЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

***Президент Ислом Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» номли китоби ҳар бир ҳамюртимизни Андижон воқеаларидан тўғри хулоса чиқаришга, унинг келиб чиқиш сабаблари ва илдизи нималарга ва кимларга тақалиши ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Китобда келтирилган далиллар Андижон воқеалари ҳақида бор ҳақиқатни юзага чиқариш, турли уйдирмалар, миш-мишларга ишонмасдан, вазиятга тўғри ва холисона баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.***

Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли мусиқали драма театрида китобнинг тақдимотига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Хайдаров, «Саодат» журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева, «Гулистон» журнали бош муҳаррири Азим Суюн, «Муштум» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев, шунингдек, Қарши туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Фарҳод Норқобилов ва бошқалар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида, кўплаб корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтаётган ана шундай учрашув ва мулоқотларда қашқадарёликларнинг юрт қадрига етиши, Президентимиз билан якдил эканлиги намоён бўлганлигини таъкидладилар.

Тадбирда Андижон воқеалари ҳақида турли миш-миш ва бўҳтонларга йўл қўймаслик, халқимизга бу ҳақда энг тўғри ва холисона маълумотларни етказишда давлатимиз раҳбарининг мазкур китоби муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

**(ЎзА)**

## ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

***Ҳамшаҳримиз, пенсионер Анфим Хлизов Андижонда рўй берган фожиали воқеалар юзасидан хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида берилаётган бўҳтонлар ҳақида «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» мавзуида матбуотда эълон қилган хатида дилимиздаги гапларни ёзибди.***

Террорчилар Андижонда қон тўкканига ҳам бир ойдан ошди. Ўтган даврда хорижлик айрим сиёсатдонлар, нопок мухбирлару уйдирмачи оммавий ахборот воситаларининг ушбу воқеаларни «ўзига хос» тарзда талқин этишлари кишиларимизни, беозор айтганда, қаттиқ ажаблантирди.

Мен - бошланғич синф ўқитувчисиман. Ўзимнинг ҳам икки нафар фарзандим бор. Биз, ўзбеклар, зурриёдларимиз онгу шуурига: инсонлар, халқлар, давлатлар, ташкилотлар ҳамиша дўст ва иноқ, бир-бирига доим меҳр-оқибатли бўлади, деган эзгу тушунчани сингдиришга ўрганганмиз.

Шу билан бирга, Президентимиз Ислом Каримов неча йиллардан буён ҳар биримизни огоҳ ва сергак бўлишга даъват этиб келаётгани бежиз эмас. Бугун дунёда юз бераётган ўзгаришларга ўта тийраклик билан назар ташлаган ҳолда, белгилаб олган эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд барча салоҳият ва бойликлардан имкон қадар оқилона ва самарали фойдаланишимиз зарур. Чунки Ватанимиз равнақини, халқимиз фаровонлигини, ўз хавфсизлигимиз ва осойишталигимизни таъминлаш йўлида фаоллик кўрсатишга барчамиз бирдек масъулмиз.

Айни чоғда бебаҳо меросимизга, миллий урф-одат ва анъаналаримизга таяниш, қадриятларимизни тиклаш, шунингдек, умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни ғанимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайрихоҳ шериклар билан ҳамкорликда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга муттасил интилиш каби давримизнинг долзарб талаблари биздан бир-биримизга елкадош бўлишни тақозо этмоқда.

Бунда биз, муаллимлар, ота-оналар болаларимизга адолат ва разолат ўртасидаги азалий курашларнинг мазмун-моҳиятини уқтириб боришимиз, улар онгига Ватан ва халқ манфаатлари ҳар нарсадан устун деган ғояни сингдириш, ана шу юксак тушунчаларга хавф солувчи кучларга қарши курашиш лаёқатини тарбиялашга жиддий ёндошмоғимиз даркор.

Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Андижон воқеалари мисолида халқимизнинг танлаган дунёвий ривожланиш йўлини, мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, бозор ислоҳотлари самарасини хуш кўрмайдиган кучлар борлигига яна бир бор амин бўлдик. Бу билан Президентимиз нафақат Ўзбекистон аҳлини, балки бутун дунё халқларини огоҳликка даъват этгани замирида теран маъно-мазмун борлигини яна бир карра ҳис этдик.

Ҳа, азизлар, кекса ҳамшаҳримиз куйинчаклик билан ёзганидек, ҳар биримиз ҳамиша ҳушёр бўлмоғимиз, дўсту душманни аниқ ажрата олишимиз керак. Зотан, осойишталигимиз ҳамжиҳатлигимизга, доимо огоҳ бўлишимизга боғлиқ эканини унутмайлик.

**Раҳима КАРАЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги 307-мактаб ўқитувчиси**
**(ЎзА)**

---

***Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида вилоят умумтаълим мактаблари директорлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирокида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими орқали Ўзбекистон Президенти совғаси -гандбол, баскетбол, волейбол, футбол тўпларидан иборат коптоклар тўплами топширилди.***

## ЭНГ ҚАДРЛИ СОВҒА

Мамлакатимизда кейинги йилларда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, чекка ва олис қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари қад ростлаб, болалар спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг ўтказилиши маҳоратли спортчилар тайёрлашда ўзига хос поғона бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг мамлакатимизда спорт ривожига муносиб ҳисса қўшаётганини қайд этиб, ушбу совғалар замирида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидладилар. Зотан, улар ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида ҳам спорт билан шуғулланишида қўл келади.

Тантанада иштирок этган жаҳон ва Осиё чемпионлари, Олимпиада иштирокчилари ўқувчи-ёшларга спортда ва ўқишда янги ютуқлар тилашди.

**(ЎзА)**

## АНДИЖОННИНГ ПИЛЛА ХИРМОНИ

Андижон вилояти пиллакорлари пилла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Давлатга 2230 тоннадан ортиқ қимматли хомашё сотилди. Бу муваффақиятга, авваламбор, тайёргарлик ишларининг яхши йўлга қўйилгани, озуқа базасининг мустаҳкамлангани туфайли эришилди. Тутзорлар кенгайтирилиб, 2 миллиондан ортиқ кўчат ўтказилди. Вилоятда пиллачиликка ихтисослашган 85 дан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд ва улар бу муваффақиятга катта ҳисса қўшди. Қишлоқ меҳнаткашларини рағбатлантириш учун ипак қурти уруғини тарқатишда 438 миллион сўм бўнак ажратилди.

Шаҳрихон туманидаги академик Т.Саримсоқов номидаги ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини бажарди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 53 килограммдан ортиқ «кумуш тола» олинди.

Умуман, вилоят пиллакорлари 1 миллиард 761 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни мўлжалламоқда.

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

***Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Ҳукуматимиз бу ташкилотга аъзо давлатлар билан хавфсизлик соҳасидаги ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.***

2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтган саммитда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Хитой, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарлари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Таъкидлаш жоизки, ўша даврга қадар ташкилот «Шанхай бешлиги» деб аталар ва унинг вазифаси беш мамлакат - Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегара масалаларини ҳал этиш билан чекланган эди. Ўзбекистоннинг бу давлатлар сафига қўшилиши «бешлик»нинг кенг қамровли ҳамкорлик ташкилотига айланишида муҳим рол ўйнади.

2002 йил 7 июнда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкилотнинг бош ҳужжати - Хартия (низом) қабул қилинди. Шундай қилиб, ШҲТ етук ташкилот сифатида юридик мақомга эга бўлди.

**(Давоми 3-бетда)**

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги Бинокор маҳалласида хайрли ишга қўл урилди. Кўпнинг кучи билан ташландиқ жой ободонлаштирилиб, сўлим боғ ташкил этилди. Унга минг тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Тажрибали боғбон Орзиқул бобо Худойқуловнинг жонбозлиги туфайли кўчатларнинг бари кўкартириб олинди.





**Суратда: ҳашар йўли билан барпо қилинган боғ манзараси.**

**М.КАРИМОВ олган суратлар**

---

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида тадбиркорлик, хусусий бизнесга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини, 2005 йил 7 феврал куни Оқсарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган кенгашда иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштирмасдан, хусусий мулк улушини оширмасдан, тадбиркорликка эркинлик бермасдан туриб, иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосани яна бир бор таъкидлади.***

*Масала кўндаланг қўйилади*

## ТИРНОҚ ОСТИДАН КИР ҚИДИРИШ ОҚИБАТИ

Бу борада асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни фаол ривожлантиришга халал берувчи барча сунъий хавф ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Амалда яхши қонунлар яратилганлиги, аммо ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаётганлигимиз ачинарли ҳол албатта. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Унда назорат қилувчи орган, текшириш, текширишларни қайд этиш дафтари, тафтиш, муқобил ва назорат тартибида текшириш каби асосий тушунчалар келтирилган. Шунингдек, назорат идоралари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмасликнинг кафолатлари белгиланган.

Лекин иқтисодиётни янада эркинлаштириш, унинг фаоллигини ошириш борасида ҳукумат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар тобора кенгайиб бораётган бир пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида турли ғов-тўсиқлар мавжуд эканлиги ўрганишлар натижасида ўз тасдиғини топмоқда. Яъни буйруқбозлик, сансалорлик касалига учраган айрим мансабдор шахслар таъсирида тадбиркорлар тўсиқларга учраяпти. Масалан, Адлия вазирлиги назорат қилувчи органлар фаолиятини ўрганган пайтда 2895 та ҳеч қандай асосларсиз, махсус ваколатга эга бўлмаган ходим томонидан, тегишли ҳужжатларсиз текширишлар тартиби бузилганлиги аниқланди. Шундан 133 таси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз ноқонуний тарзда ўтказилганлиги маълум бўлди. Ушбу қонун бузилиш ҳолатлари бўйича 49 нафар мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Мисол учун, Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "ЖС Арсенал" хусусий фирмасида туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ноқонуний текшириш ўтказилиб, корхонага нисбатан 894 100 сўмлик молиявий жарима қўлланилган. Адлия бошқармаси томонидан вилоят Солиқ бошқармасига қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада фирмага қўлланилган молиявий жарима бекор қилинди Қонунбузилишларга йўл қўйган туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Ҳакимов ва бош инспектор А.Файзуллаевлар эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори А.Қулбараков томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатисиз "Феруза" , "Канда", "Дияна", "Атабай Акнур" ва "Гулпари" хусусий фирмаларида текширишлар ўтказилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан инспектор А.Қулбараков эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Юқорида келтирилган ва бошқа мисоллар таҳлиллари республикамизда иқтисодий кўрсаткичлари яхши тадбиркор фаолиятларига турли назорат қилувчи ва маҳаллий ҳокимият идораларининг аралашувлари кўпаётганини тасдиқлайди. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун назорат қилувчи идоралар ходимларини қонунчилик юзасидан ўқувини ташкил этиш, ушбу идоралар томонидан ўтказиладиган текширишлар, назорат органлари сонини янада камайтириш, қисқа муддатли текширишлар ўтказишга йўл қўймаслик, мансабдор шахсларнинг малака ва тажрибага асосланган омилкорлигини ошириш керак. Тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечишимиз лозим. Бошқача айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида астойдил ҳаракат қилаётган тадбиркорлик субъектларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиб беришимиз керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар.

**Алижон ОЧИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи**






**Аҳолини иш билан таъминлаш дастури асосида Шаҳрисабз туманида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 279 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган туманда қўшимча иш ўринлари яратиш, меҳнатга лаёқатлиларни иш билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган.**

# ШАҲРИСАБЗДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Бу ишда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жорий йилнинг шу кунигача бундай тадбирлар 3 марта ўтказилиб, 2775 та янги иш ўринлари яратилди. Уларда иштирок этган 535 нафар фуқаронинг 445 нафарига маслаҳатлар берилиб, 118 нафари ишга жойлаштирилди. 15 нафар ёшларга қайта касбга ўқитиш тавсия этилди. Шунингдек, мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 177 та янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, туманда иқтисодиётнинг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Шу боис 259 та фермер хўжаликлари ташкил этилиб, 518 та иш ўрни яратилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Бир марталик иш билан таъминлаш маркази» ташкил этилганлиги кўнгилдагидек иш бўлди. Куни кеча меҳнат бўлими вакиллари «Шакартери» фуқаролар йиғини ҳовлисига тўпландилар. Туман меҳнат бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Темиров аҳолига ярмарканинг мазмун-моҳияти, «Иш билан таъминлаш қонуни» тўғрисида гапириб берди.

«Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 6778 нафар киши яшайди. Бу ерда «Шамо-Б» ишлаб чиқариш корхонаси ҳамкорлигида паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган дастур асосида кам таъминланган аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида парранда боқиш йўлга қўйилди.

«2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастури» асосида ташкил этилган бу меҳнат тури хотин-қизларни иш билан таъминлабгина қолмай, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Тадбиркор Мақсуд Мухторов паррандачиликни ривожлантириш ҳисобига хотин-қизларни иш билан таъминлади. Қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида иш олиб борилиши натижасида ҳар бир оиланинг имкониятлари ўрганилиб, жойларда хотин-қизларни касаначилик меҳнати билан банд этилди.

Калакон қишлоғидаги 23 оила хотин-қизлари шартнома асосида бройлер жўжаларини парваришлаётганликлари натижасида каттагина даромад олибгина қолмай, иш билан таъминланаяптилар. Худди шунингдек, Хўжахуросон қишлоғида ҳам 17 оила паррандачилик билан шуғулланмоқда.

– Асосий мақсадимиз, – дейди «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Искандарова, – аҳоли зич қатламларини иш билан таъминлаш. Қишлоқларда 425 нафар юридик мақомга эга бўлмаган деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, улар маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Шу йўл билан рўзғорларини бут, ҳаётлари фаровон бўлаяпти. Эртаги помидор, карам, бодринг, қалампир етиштиришда каттагина тажриба орттиришди. Масалан, Йўлдош бобо Эргашевлар оиласи томорқадан қилган даромади эвазига «Дамас» автомашинаси олишди.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Суратларда: меҳнат бўлими фаолиятидан лавҳалар**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ПИРОВАРД НАТИЖА
## учун барча масъул

**Аҳоли хонадонларини газлаштириш, корхона ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлик субъектларини ўз вақтида табиий газ билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Муборак ҳудудий газ таъминоти филиали томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

- Корхонамизда 54 нафар киши меҳнат қилади, - дейди филиал директори Маҳмуд Саидов. - Айниқса, улар меҳнатини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратганмиз. Шу мақсадда бу йил ишчиларимизни салкам 122 минг сўмлик махсус этик, қўлқоп ва кийим-бош билан таъминладик.

Дарҳақиқат, ишнинг тўғри йўлга қўйилганлиги, қолаверса, филиал ишчи-ходимлари ўз вақтида моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаётганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда. «Қашқадарёгаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси ва тармоқ ходимлари вилоят бирлашган касаба уюшма кенгаши ўртасида 2004-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, моддий рағбатлантириш каби масалалар бўйича бир қатор бандлар ўрин олган. Масалан, жамоа шартномасининг 6.1 бандига асосан ҳар йили ишчи-ходимларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун энг кам иш ҳақининг икки ярим баробари миқдорида моддий ёрдам бериляпти.

Корхонада ишловчи аёллар халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан рағбатлантирилди. Эътиборлиси, жамоада кўп йиллар ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган Адолат Насимова, Бибигул Бўронова сингари фахрийлар ҳам бундай ғамхўрликдан четда қолишмади. Бундан ташқари, кам таъминланган ходимлар - Ш.Примқулов, Ҳ.Насимов ва И.Холматовларнинг ҳар бирига моддий ёрдам кўрсатилди. Йил бошида барча ишчи-ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг учун корхона томонидан 200 минг сўм маблағ сарфланди.

**М.СУЛТОНОВА**

Азал-азалдан Хоразм воҳаси нафақат ўзининг ранг-баранг маданий мероси, балки гўзал ва кўзни қамаштирувчи чўғдек гиламлари билан жаҳонга таниш.

Бундан икки йил олдин фойдаланишга топширилган "Хива-Карпед" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳозирги кунда кўплаб сифатли гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Йилига 2 миллион квадрт метр гиламни истеъмолчиларга етказиб бериш учун хивалик юзлаб ёш йигит-қизлар самарали меҳнат қилмоқда. Корхона маҳсулоти чет элда ҳам харидоргир.

**Суратда: тайёр маҳсулот сифати яна бир бор кўздан кечирилмоқда.**
**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат**



# ТОҒ ЁНБАҒРИДА КОРХОНА

Ҳисор тизма тоғлари ёнбағрида жойлашган «Тевабоши» ишлаб чиқариш фирмаси маҳсулотлари юқори сифат ва мазалилиги билан ажралиб туради. Тайёрланган хилма-хил маҳсулотлар полиэтилен идишларда қадоқланиб республика ва вилоят савдо шохобчаларига чиқарилаяпти.

Тадбиркорликка кенг эътибор берилаётганлигини қалбдан ҳис этган жонкуяр ва тиниб-тинчимас қишлоқ фарзанди Йўлдош Турсунов ташаббуси билан 1997 йилда мазкур фирмага асос солинган эди. Хорижий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилгач, сутни қайта ишлайдиган кичик корхонанинг довруғи теварак-атрофга ёйилди. Дастлаб 26 киши иш билан таъминланди. 15 тонна турли пишлоқлар, 6 тонна сариёғ, 50 тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Китоб туманидаги болалар боғчалари ва шифохоналарига етказиб берилди.

Кичик корхона тоғли Бешқозоқ, Аспидўхтар ва Хўжабоғ қишлоқларига яқин жойлашган. Қишлоққа саноат олиб кирилганлиги туфайли маҳаллий аҳолидан 50 нафари иш билан таъминланди.

*Бир Фармон шарофати*

– Юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодиётига хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида хусусий секторни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бозор ислоҳотларининг муҳим устувор йўналиши деб белгиланди, - дейди корхона раҳбари Йўлдош Турсунов. – Тадбиркорлар учун қулай шароит яратилганлиги ишимизнинг ривожига кенг йўл очди.

Бултур «Ўзбеклизинг интернейшнл» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ Россиядаги «НИТАР-СЕЙЛ» фирмасидан соатига 600 шиша салқин ичимлик тайёрлаш қувватига эга замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилган эди. Ихтисослашган корхона фаолиятини кенгайтириб, чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Бундан беш йил муқаддам Франциянинг «Актини интернейшнл» компаниясида ишлаб чиқарилган технологик линия ўрнатилиб, қишлоқда сутни қайта ишлайдиган расмана завод юзага келган эди. Маҳсулот тури ва ҳажми йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Бултур 177 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Олинган фойда ошиб, иқтисодий барқарорлик таъминланди. Бугунги кунда ўнга яқин турдаги сут маҳсулотлари, 13 хил ичимликлар тайёрланмоқда.

Қадоқланган сут, сариёғ, пишлоқ каби маҳсулотлар нафақат Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари, балки Тошкент, Қарши ва бошқа шаҳарлардаги савдо тармоқлари пештахталаридан ўрин олди. Янги технология жорий этилгандан сўнг 1 тонна қаймоқ, 60 тоннадан ортиқ сут, 16 тонна сариёғ ва 20 тонна пишлоқ ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказилди. Бундан ташқари, мазкур шаҳарлардаги дўконларга 20 миллион сўмликдан ортиқ салқин ичимликлар жўнатилди.

Корхона ўзининг бизнес режасига эга. Иқтисодий ҳисоб-китоблар тартибли. Тўловлар вақтида расмийлаштирилади. Шунинг учун ҳам бир неча йилдан бери «Тевабоши» «Ташаббус» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичида «Энг интизомли солиқ тўловчи» номинациясида ғолибликни эгаллаб келаяпти.

Қишлоқ тадбиркорлари ишлаб чиқаришда замонавий чет эл технологияларни қўллаш билан бирга ички бозорни аъло сифатли маҳсулотлар билан тўлдирмоқдалар, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**ЁЛҚИН**

# ХАЗИНАТОПАРЛАР

**Чўлнинг доимий эгалари геологлар Орол денгизининг бўшаган туби ва бепоён дала-ю даштларидан катта миқдордаги нефт-газ, оҳак, туз, гипс ва бошқа табиий бойлик захираларини излаб топдилар. "Урга", "Шарқий Бердақ", "Шоҳпахти", "Оқчалак", "Кўкчалак", "Қорачалак", "Ғарбий Борса келмас", "Қуаниш" конлари тадқиқ қилиниб, пармалаш ишлари амалга оширилди. Кенг ҳудудда олтин захиралари борлиги ҳам аниқланаяпти.**

Мана ўн йилдирки, Қўнғиротдаги "Устюртгаз" шўъба корхонаси жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Мўйноқ туманида жойлашган "Шарқий Бердақ", "Урга", "Шоҳпахти", Устюртдаги "Оқчалак" газ конларининг ишга туширилиши ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берди. Бир йилда 746 миллион кубометр конденцат, неча ўн минг тонналаб газ қазиб олиниб, катта фойда олинди.

Хазинатопарларнинг фидойи меҳнатлари билан замин қаъридан олинаётган газ ва конденцат маҳсулотлари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Қўнғиротдаги "Ийгиликгаз" корхонасида қайта ишланиб, истеъмолчиларга жўнатилаяпти.

Қиш қаҳратони, ёзнинг жазирама иссиғи, куз ва баҳор инжиқликларига бардош бериб астойдил меҳнат қилаётганлар жасорати таҳсинга лойиқ. Айни пайтда "Сургил", "Шимолий Орол", "Шеге", "Шимолий Бердақ", "Мўйноқ", "Шағирлик", "Учсой" майдонларида қидирув-бурғулаш юмушлари жадал суръатда олиб борилаяпти.

Турли миллат вакилларидан иборат аҳил ва иноқ жамоа таркибида қидирув-бурғулаш, қурилиш-ускуналаш, автотранспорт тармоқлари мавжуд. "Устюртгазқурилиш" бошқармаси йил давомида 10 миллиард сўмлик қурилиш-ускуналаш ишларини амалга оширди. Табиий газ, ичимлик суви тармоқлари қуриш, "зангори олов" етказиб берадиган ускуналарнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш бунёдкорлар зиммасида.

2005 йилда 6 миллиард 900 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этишни зиммасига олган қурувчилар ички имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юқори сифат ва самарадорликка эришмоқдалар. Жамланмадаги 120 дан ортиқ техника воситаларидан фойдаланиш коэффициенти бир неча баробар ошди. Тажрибали ҳайдовчилар Қурбонбой Матмуротов, Дусан Риспағонбетов, Омон Ешмуротов, чилангарлар Сафарбой Абдурайимов, Байрам Кўриков, Изтурғон Бойжоновлар техникаларнинг бир маромда ишлашини таъминлашаяпти.

Жорий йил бошидан бери корхонада 2 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бунда қўли гул қурувчилардан Мақсет Сарсенбоев, Мамут Давлатёров, Собит Дарбоев, Иброҳим Исмоиловларнинг улуши салмоқли.

Корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ўртасида жамоа шартномаси тузилган бўлиб, унда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий

*Касбга садоқат*

манфаатларини муҳофазалаш ўз ифодасини топган. Шартномада белгиланган тадбирларнинг ижроси ўрганилганда, ҳар иккала томондан ҳам ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш, қулай шароит яратиш, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Йигирмага яқин ходимга мамлакатимиз сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқариш ва даволаниш учун йўлланма берилди. Ишчиларнинг 90 нафар фарзандлари ёзги соғломлаштириш масканларида дам олишаяпти. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, фахрийлар ва ёлғиз кексаларга 1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

"Сиҳат-саломатлик йили"да жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Ходимлар спортнинг 10 дан ортиқ тури бўйича машғулотларда қатнашишаяпти. Қурилиш-таъмирлаш участкаси ишчиси Элдор Бойлепесов миллий кураш, Шарқий Бердақ кони геологи Шоназар Бобожонов шахмат-шашка бўйича тармоқлараро мусобақаларда ғолибликни эгаллашди.

Ишчилар махсус кийим-бош, гигиена воситалари билан таъминланган, сут ва сут маҳсулотлари бериб борилади. Тиббий пункт, ошхона, буфет, маънавият ва маърифат хонаси ишлаб турибди. Газета-журналларнинг янги сонлари келтириб берилади. Ходимлар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Ёш болали оналар учун қўшимча таътил жорий этилган.

Оролбўйи дала-даштлари, Устюрт кенгликлари бағрида табиий бойликлар бисёр. Меҳнати юксак қадрланаётган, иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан ғамхўрлик билан қуршаб олинган хазинатопарлар нефт-газ ва конденцат ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилишаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## ЧЎЛ БОЙЛИГИ

Чўл ҳудудида деҳқончилик қилаётган Қоровулбозор тумани ғаллакорлари наинки вилоятда, мамлакатимизда ҳам биринчи бўлиб ўрим-йиғимни муваффақиятли якунлади. Эрта пишиб етилган ҳосил ўта қисқа муддат - тўрт кунда йиғиб олинди.

Натижа жуда қувончли ва самарали - жами ҳосил 26 минг 540 тоннадан ортди. Ҳар гектар ердан 40,8 центнердан ғалла олинди. «Баҳодир-2000», «Сафарбобо-2000», «Ражаббобо-2000», «Илҳом Юлдуз замини», «Ражаб барака» каби фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 50 центнерни ташкил қилди. Давлатга 10 минг тонна ёки шартнома режасидагидан кўпроқ дон сотилди.

Бу йил тумандаги барча экин майдонлари 280 дан зиёд фермер хўжалиги ихтиёрига берилди. Ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани, унинг ўз меҳнат натижасидан манфаатдорлигининг таъминланиши муваффақият омили бўлди. Дарвоқе, етиштирилган ҳосилнинг 16 минг 580 тоннаси деҳқонлар ихтиёрида қолди. Ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш бошлаб юборилди.

Давлатга 133,2 минг тонна ғалла сотишни режалаштирган бухороликлар дон ўрим-йиғимини қизғин давом эттирмоқда.

## ҒАЛЛА ЎРИМИ АВЖИДА

Бу йил Наманган вилояти ғаллакорлари 75 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаган. Ҳозир Наманган, Поп, Уйчи ва Тўрақўрғон туманлари далаларида ўрим-йиғим ишлари жадал суръатда давом этмоқда.

Ўрим-йиғим мавсумининг муваффақияти эса қишлоқ хўжалик техникасининг юқори унум билан ишлашига боғлиқ. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, вилоят машина-трактор паркида 219 та ўрим техникаси мавжуд ва ғалла пишган далаларда ишлатилмоқда.

- Биз техника билан таъминлаш тўғрисида деҳқонлар билан ўз вақтида шартномалар тузганмиз, - дейди «Чуст МТП» давлат акционерлик жамияти раиси Ж.Мамажонов. - Корхонамиз 14 та ширкат ва 500 га яқин фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Олтмиш нафар механизаторнинг ҳар бири мавсумда юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилган.

*Тадбиркорлик — давр талаби*

# КРЕДИТ
## ундан қандай фойдаланиляпти

Тадбиркорга рағбат, эътибор туфайли Мирзаобод туманида 346 та янги иш ўринлари яратилди. Туманда кейинги йилларда кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга барча имконият сафарбар этиляпти. Ички маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган фермер хўжаликлари сони кўпаймоқда. Мирзаобод тамғаси босилган консерва маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки хориж истеъмолчилари назарига тушиб улгурди. Фермер Зиёдулла Абдуғаффоров ўзи етиштирган хомашёни қайта ишлаш уддасидан чиқди. У йилига 5 минг қутидан зиёд гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаб келаяпти.

Туманда хўжалик юритувчи субъектлар сонининг 1180 дан зиёди хусусий сектор вакиллари эканлиги эътиборга молик. Биргина ўтган биринчи чоракда 11 та хусусий ишлаб чиқариш фирмалари, 63 та фермер хўжаликлари, 57 та якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатга олинди. Бу эса ҳудуддаги 346 нафар кишининг муқим иш жойлари билан таъминлаш имконини берди.

– Тадбиркорларни молиявий томондан қўллаб-қувватлашга ҳеч бир монелик йўқ, - дейди туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Баҳром Сарибоев. – Улар бизнес-режаларига асосан мунтазам молиялаштириб борилаяпти. Чунончи ўтган фурсат «Пахта банк»нинг Наврўз бўлими орқали 427 миллион 97 минг сўм, «Халқ банк»и туман бўлимидан эса 29 миллион 376 минг сўмлик кредит маблағлари ажратиб берилди. Ушбу маблағлардан оқилона, мақсадли фойдаланиш назоратга олинган.

Эътиборли жиҳат шундаки, мирзаободлик ишбилармонлар соф фойданинг бир қисмини кам таъминланган хонадонлар, ногиронлар, қаровчисини йўқотганлар ижтимоий муҳофазасига йўналтириб келишяпти. «Оқолтин» фуқаролар йиғини ҳудудида бу борада ибратли ишлар кўп. Мамадали Пойғамов, Мастура Эминова, Анвар Исроилов каби ишбилармонлар ҳудуддаги хайрли ишларга бош-қош. Рўйхатга олинган 20 нафар кекса, ногиронлар улар мададини ҳис этиб келишаяпти.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Излаган имкон топади*

**Уйчи туманидаги "Намимтекс-текстил" масъулияти чекланган жамияти қошидаги "Ўнҳаёт" ип йигирув корхонаси ҳали тетапоя пиллапоясида. Бу ерда пахтадан калавалар ўралмоқда. Корхонада 360 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бир ойда тайёрланаётган ип калава 150 тоннани, 1 йилда эса 1800 тоннани ташкил этяпти. Ишлар кун сайин яхшиланиб боряпти. Корхонага малакали ва салоҳиятли раҳбар Муҳиддин Убайдуллаев бош-қош.**

# 360 ИШ ЎРНИ

- Аминманки, яқин келажакда маҳсулотларимиз сифати таърифига сўз топилмайди. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор, - деди у.

- Дарҳақиқат, корхона раҳбари ҳақ. Кенг ва ёруғ иш жойларидаги кўтаринки руҳ, ғайрат-шижоатни кўриб бунга амин бўлдик.

Замонавий техника гуриллайди. Унда оппоқ, майин пахтани йигираётган йигит-қизларнинг қўли қўлига тегмайди. Чеҳралардаги ним табассумда ўз ҳаётидан, меҳнатидан мамнунлик, қониқиш ҳисси зоҳир. Улар ойлик маошларини ўз вақтида олишяпти. Бугунги кунда бу бош ижтимоий ҳимоядир. Иқтисодий қувват берган ишхонада меҳнат аҳлининг меҳри бўлакча, ишга муносабати ҳам юксак, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлади.

Мазкур корхона жамоаси яхши-ёмон кунларда ҳамфикр, ҳамдард бўлиб, камарбаста меҳнат қилишаётир. Байрамлар шукуҳли ўтяпти. 9-Май "Хотира ва Қадрлаш куни" эсда қоларли бўлди. Қисқаси бу ерда ёлчиб меҳнат қилиш учун барча шарт-шароит муҳайё. Мавжуд 2 та цехда иш намунали ташкил қилинган. Ишчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун автобус ажратилган. 100 ўринли ошхона, ювиниш хоналари, гардероб уларнинг хизматида. Фельдшерлик пункти зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Тушлик бепул бериляпти.

"Меҳнатдан келса бойлик турмуш бўлур чиройлик" деганларидек, меҳнат қилиб кам бўлаётганимиз йўқ" деди смена мастери Орифжон Жўраев. Шунингдек, тайёрлов цехи бошлиғи Олимжон Оғаликов: "Бир-икки йилдан кейин келсанглар бизнинг корхонани, ажойиб ишларимизни кўриб ҳайратда қоласизлар" деса, ишчи Муқаддас Усмонова: меҳнат юксак қадрланаётган, ижтимоий ҳимояга катта эътибор берилаётган жойда виждонан ишламасдан бўладими?

Корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси билан иш берувчи ўртасида жамоа шартномаси имзоланган. У меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қиладиган муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. "360 нафар касаба уюшма аъзосининг ижтимоий ҳимояси ҳамиша диққат-эътиборимизда. Буни унутиш асло мумкин эмас. Маҳсулотларимиз харидоргир бўлиб, иқтисодий аҳволимиз юксалиб боргани сари ишчи-ходимларимизнинг ижтимоий ҳимояси ҳам яхшиланаверади", – деди касабақўм раиси Жўрахон Фузаилов.

Корхонанинг истиқболи порлоқ. "Ўнҳаёт"нинг дадил одимлари кўзни қувонтиради.

**Ш. ИСКАНДАРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

(Боши 1-бетда)

2003 йил 29 майда ШҲТнинг Москва саммитида ташкилотнинг Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, шунингдек, ташқи ишлар вазирлари, миллий мувофиқлаштирувчилар, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кенгашлари тўғрисидаги низом тасдиқланди. 2004 йилнинг январида Пекинда ташкилот Котибиятини, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилинди. Шу йил сентябрда Ҳукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастури ҳам ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ташқи сиёсат, иқтисодиёт, савдо маҳкамалари ва хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам мулоқотлар йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида ШҲТ тўла ҳуқуқли ташкилотга айланди. Амалга оширилган кўплаб ишлар унинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятидан далолатдир.

ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг унга аъзо мамлакатлар билан иқтисодий интеграциялашувида янги имкониятлар эшигини очди. Хусусан, Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши мамлакатимизнинг Европа ва Жануби-шарқий Осиё минтақалари билан алоқаларининг янада кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятидан, транспорт коммуникацияси ва сармоя борасидаги имкониятларидан ШҲТ доирасида фойдаланиш Ўзбекистон учун кўплаб қулайликлар яратиши шубҳасиздир.

Айни пайтда Россия ва Хитой ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Улар ШҲТ минтақасидаги интеграция жараёнларини ривожлантиришда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутишини инобатга олади ҳамда мамлакатимизнинг ташкилот доирасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

ШҲТ фаолиятининг иккинчи асосий йўналиши хавфсизлик соҳасидир. Ўзбекистон бу борада ҳам ташкилотнинг имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ташкил этилиши тинчлик ва барқарорликни таъминлашда самарали минтақавий ҳамкорлик учун қулай шароит яратди. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идоралари ташкилотга аъзо мамлакатлардаги ҳамкасблари билан яқиндан мулоқот қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ахборот ва тажриба алмашишда янги имкониятларга эга бўлди. Мазкур тузилма Ижроия қўмитасининг Тошкентда жойлаштирилгани эса мамлакатимизнинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги фаол иштирокчи сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

2004 йил 17 июнда ўтган ШҲТнинг Тошкент саммити ташкилот фаолиятидаги муҳим босқич бўлди. Унда бир қанча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий даражадаги мазкур учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид масалалар, хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий инфратузилмасини биргаликда тиклаш юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги кунда дунёда халқаро террорчиликнинг кучайиб, янги шакллар касб этаётгани сир эмас. Жумладан, ядровий, биологик, электрон, кимёвий қўпорувчиликлар хавфи ошмоқда. Террорчилик ва гиёҳванд моддалар савдоси бир-бирига узвий боғлиқ экани аён бўлди. Бу таҳдидларнинг барчаси ШҲТ доирасида биргаликдаги ҳаракатларни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Президент Ислом Каримов учрашувда террорчиликка фақат куч билан жавоб бериш билан кифояланиб бўлмаслигини, одамлар онгини заҳарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин курашиш кераклигини, бу кураш сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мезонларни ҳам қамраши даркорлигини алоҳида таъкидлади.

2004 йил 1 январдан Тошкентда иш бошлаган ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси мазкур таҳдидларга қарши курашда аъзо мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи ҳамда улар ўртасида тезкор ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилувчи тузилмадир.

2005 йил 30 мартда ўтган ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисида террорчилик, айирмачилик ва экстремизм ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамон жиддий таҳдид солаётгани қайд этилди. Ушбу муаммоларга қарши курашда зарур ҳуқуқий асосларни шакллантиришни давом эттиришга оид масалалар бўйича қатор қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ нафақат хавфсизликни таъминлашга, балки минтақавий иқтисодий тараққиёт учун хизмат қиладиган ташкилот ҳамдир. Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2003 йил сентябрда Пекинда ўтган мажлисида кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича илк дастур имзоланганди. Унда транспорт инфратузилмаси, энергетика соҳасини ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳамда ичимлик суви муаммосини ҳал этишдаги ҳамкорликка оид вазифалар ўз ифодасини топди.

Бу масалалар Тошкент саммитида ҳам муҳокама марказида бўлди. Томонлар ўзаро савдо алоқалари кўламини янада кенгайтиришга келишдилар.

Ислом Каримов учрашувда Марказий Осиё Умумий бозорини яратиш тўғрисидаги таклифини илгари сурди. Зеро, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини тузган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишида уларнинг Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШҲТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириши муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент саммити самарали ўтди. Унинг якунлари бўйича ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент декларацияси, ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

ШҲТ доирасидаги бундай келишувлар мамлакатимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга, айниқса халқаро террорчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, савдо-иқтисодий йўналишдаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**





ЎзКУФК ўқув марказида енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ўқув-семинари бўлиб ўтмоқда. Бу ерда уларга малакали мутахассислар томонидан касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифаларни амалга ошириш бўйича услубий тавсиялар бериляпти. Ўз навбатида тингловчиларни қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб қайтарилиб, касабақўм сардорлари фаолиятига тўғаноқ бўлаётган муаммолар атрофлича муҳокама этилмоқда.

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# КИЧИК БОСМАХОНА

***«Навбаҳор тонги» газетаси туманнинг ўзида чоп этиладиган бўлди. Бу ерда соатига 200 минг донадан ортиқ турли шаклдаги иш қоғозлари, банк ва бухгалтерея ҳужжатлари ишлаб чиқарадиган кичик босмахона иш бошлади. Корхона ўқувчилар учун китоб ва дафтарлар ҳам тайёрлаб бера олади.***

Тумандаги «Янгиқўрғон» қишлоғида яшовчи иқтисодчи-қурувчи Неъмат Ражабов бундан ўн йиллар илгари «Мунис-Умида» савдо-ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этганди. Тадбиркор яна бир хайрли ишга қўл урди. «Пахта-банк»нинг Навбаҳор тумани филиалидан кредит олиб, Германияда ишлаб чиқарилган «RISO RS SERIES» русумли кичик матбаа асбоб-ускуналарини олиб келиб, ана шу босмахонани ташкил этди. Фирма жамоаси туман марказида автошоҳбекат ва қурилиш моллари бозори қурилишини ҳам бошлаб юборди.

## *Қонун барчага баробар*

***Азал-азалдан халқимизда устоз отадек улуғ, деган нақлга катта эътибор билан қарашади. Сабаби устозликка муносиб инсон борки, шогирдларига қалб қўрию, дил меҳрини бериб эзгу ишлар сари етаклайди. Аммо жорий йилнинг феврал ойида Қўшкўпир тумани ички ишлар бошқармасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан фош этилган жиноий иш барчани ўйлантириб қўйди.***

# ЎҚУВЧИСИНИ ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН УСТОЗ

Тумандаги «Иттифоқ» ширкат хўжалигида яшовчи 11-синф ўқувчиси Мавлуда Рўзаковани ўзи ўқийдиган 28-сонли мактабнинг география фани ўқитувчиси Зиёда Мадиёрова қинғир йўлга етаклаганининг гувоҳи бўламиз.

Қилмишининг оғир оқибатларини яхши билган З.Мадиёрова хатардан озми-кўпми йироқ бўлишни хаёл қилиб, жиноий режасини ўзганинг қўли билан амалга ошириш ниятида ўқувчисининг ғўрлигидан фойдаланмоқчи бўлади. Уни гиёҳвандлик моддаси савдосига жалб қилади. Қилаётган ишининг оқибатини кўз олдига ҳам келтирмаган Мавлуда устозининг таклифига рози бўлади. Мўмайгина даромаднинг осонгина қўлга киритилаётганидан кайфияти кўтарилган М.Рўзакова энди фақат ўша нарсани тезроқ пуллаш пайига тушади. Ишнинг бир маромда амалга ошаётгани, ўқувчисининг эса катта жиноятга қўл урганини пайқамасдан елиб-югуришлари «устоз»ни қувонтирарди.

Аммо кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, нафсига эрк бериб жиноий ишга қўл урган З.Мадиёрованинг қилмиши узоққа бормади. Қинғир йўл билан катта даромад топиш илинжидаги режалари барбод бўлди. Қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли эндиликда З.Мадиёрованинг ўқитувчилик шаъни завол топиб, маҳалла-кўй олдида мулзам бўлди. Устознинг гапига кириб қинғир ишга қўл урган М.Рўзакова 0,78 грамм героин гиёҳванд моддасини фуқаро А.Матяқубовга пуллаётганида қўлга олинди. Унинг таъкидлашича, устози героинни ундан олаётганини ҳеч кимга айтмасликни қайта-қайта уқтирган.

Шу ўринда баъзи ёшларимиз наҳотки ҳушёрликка, огоҳликка даъват қилиб айтилаётган фикрларга шунчалар бефарқлик билан қараётган бўлишса, дея ўйланиб қоламиз. Ёки нега аёл, она, қолаверса, мураббий деган инсон ўз бурчига хиёнат қилиб, ўқувчисини ҳам бадном қилди. Бунинг сабаби битта, у ҳам бўлса ўша инсоннинг нафс балосининг қулига айланиб қолишидир.

**Р.КАРИМОВ,**
**Қўшкўпир тумани прокурори,**
**адлия катта маслаҳатчиси**

**«Дори-Дармон» акциядорлик компаниясининг таъсисчилари ва акционерларининг қўшма умумий йиғилиши тўғрисидаги хабарнома**

«Дори-Дармон» акциядорлик компанияси (кейинчалик компания) (жойлашган манзили: 700021, Тошкент.ш., Охунбобоев майдони, 21). **2005 йил 20 июн соат 10.00 да** «Дори-Дармон» Давлат акционерлик уюшмаси таъсисчилари ва акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида маълум қилади (кейинчалик таъсисчилар йиғилиши).

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:**

1. «Дори-Дармон» АКнинг саноқ комиссиясини сайлаш;
2. «Дори-Дармон» АКнинг уставини тасдиқлаш;
3. «Дори-Дармон» АКнинг бошқарув раисини сайлаш;
4. «Дори-Дармон» АКнинг «Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳақида»ги, «Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳақида»ги, «Компаниянинг бошқарув органи ҳақида»ги, «Тафтиш комиссияси ҳақида»ги, «Саноқ комиссияси ҳақида»ги низомларни тасдиқлаш;
5. «Дори-Дармон» АКнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
6. «Дори-Дармон» АКнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
7. «Дори-Дармон» АКнинг аудиторини ҳамда аудиторлик хизматларига тўланадиган хизмат ҳақини белгилаш ва тасдиқлаш.

Акциядорларнинг йиғилишини ўтказиш ва йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни рўйхатга олиш манзили: Тошкент ш., Охунбобоев майдони, 21.

Мажлис бошланиш вақти: 2005 йил 20 июн, соат 10.00 да.

Рўйхатга олиш ҳамда якунлаш санаси ва вақти: 2005 йил 20 июн соат 9.30 дан соат 9.50 гача.

Компания акциядорлари ва таъсисчиларнинг умумий йиғилишига масъулияти чекланган жамият ва бирлаштирилувчи жамиятларнинг навбатдан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишида акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Рўйхатдан ўтиш учун акциядорлар ва йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, **шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) олиб келиши шарт, акциядорларнинг ишончли вакиллари паспортдан ташқари нотариал расмийлаштирилган ишончнома олиб келиши шарт**.

Мажлисга тегишли материаллар билан танишиш учун акциядорлар ва йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

**Тошкент ш., Охунбобоев майдони, 21.**
**«Дори-Дармон» ДАУси бошқаруви**

**Ўзсаноатқурилишбанк Амалиёт бошқармаси биносини юмшоқ томига, металконструкция ўрнатиб, профнастил билан ёпиш учун «Пудратчи» ташкилот таклиф қилинади.**
**Тел: 120-45-64**


# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Барча соҳа ходимларини касб байрами билан қизғин муборакбод этади.*
***Келажагимиз эгалари бўлмиш соғлом авлод камолотига қўшаётган ҳиссангиз ҳамиша баракотли бўлсин.***
Шарафли ва масъулиятли ишингизда муваффақият ёр бўлсин!







*2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

# ШИФОХОНА ТАСАРРУФИДАГИ ОРОМГОҲ

Хорижий санаторийларнинг муолажаларидан кам бўлмаган маҳаллий шифохоналар ҳам анчагина. Жиззах вилоятида ҳам ўнлаб ана шундай масканлар мавжуд. Шулардан бири «Гагарин маъданли суви» хусусий шифохонасидир. Табиий минералларга бой бўлган сув, шифобахш балчиқ билан, шунингдек, иглотерапия ва мануал терапия усулида даволаш ишлари олиб борилади. 16 гектар майдонга эга бу гўшада дам олувчилар ва беморларни даволаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Жорий йилнинг ўтган ойларида 300 нафар киши даволаниб, ўз соғлиқларини тиклаб кетишди.

Шифохона биноси евро услубда таъмирдан чиқарилди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Ўнлаб касалликларни даволаш имконияти яратилди. 800 метр чуқурликдан ичишга яроқли маъданли сув чиқарилди. Эндиликда минерал сувни қадоқлаш цехи қуриш мўлжалланаяпти. Лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, ускуналар келтирилмоқда.

Сиҳатгоҳ ҳудудида боғ барпо этилди. 2300 түп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. 200 та ғоз, ўрдак, курка парваришланиб, парҳез таом сифатида даволанувчилар дастурхонига тортилаяпти.



Жамоанинг ибратли ишларидан яна бири Фориш туманида жойлашган «Мирзачўл» болалар оромгоҳини ўз тасаррруфига олиб, дам олиш учун яхши шароит яратиб берганлигидир. 50 ўринли оналар учун қўшимча бино қурилиб, ишга туширилди. 150 ўринли болалар оромгоҳини таъмирлаш, жиҳозлар билан таъминлаш ишлари ҳар йили кўнгилдагидек ўтмоқда.

Сиҳатгоҳ қошида бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилган. Унга Дилноза Холиқова раҳбарлик қилмоқда. Ансамбл қатнашчилари ҳар шанба, якшанба кунлари даволанувчилар ҳузурида ўзларининг бадиий чиқишларини намойиш этишади.

– «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида уруш ва меҳнат фахрийларини имтиёзли даволашни йўлга қўйдик, – дейди сиҳатгоҳ бош ҳакими Жавлон Жўраев. – Барча даволанувчилар учун икки кишилик хоналар ташкил этилган. Телевизор қўйилган. Шаҳарлараро телефон алоқалари ўрнатилган.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Дўст ачитиб гапиради*

***Туманда яшайдиган жиянимникида қолишга тўғри келди-ю, кечга яқин жиянимнинг акаси етакчилигида дарвозадан кириб келган кичкинтой ўғли остонадан ўтар ўтмас ҳархаша қилди:***

# БЕТОН ТЎСИҚ УСТИДА ЎТИРГАН БОЛА

- Ая, нон ейман!

Кейин биз томонга кўзи тушиб қолди-ю қизариб кетди.

- Нима кечки овқат беришмайдими? Менимча, боғчаларда уйқудан туришгач пешинлик, кетишларида ҳам кечки таом беришарди шекилли? - ҳайрон бўлдим мен.

Эрталаб мени баттар ажаблантирган воқеа юз берди. Укасини боғчага ташлаб келадиган ўғил газетага нон ўраб олди.

- Акасиям бирон жойга кетяптими?

Қариндошим изоҳ берди.

- Нон укасига, қорни очқаб қолмасин, деб ҳар эҳтимолга қарши биттасини қўлтиқлатиб юборамиз...

Очиғи, ўшанда қариндошимнинг гаплари менга ғайритабиий туюлганди.

Тўрақўрғон туманининг - Шаханд қишлоғидан чиқа беришда, Мингбулоқ томонга қараб кетган йўлнинг ўнг томонида жойлашган "Гулбаҳор" болалар боғчасига кирганимда ўша ҳолатни эсладим ва қариндошларим тўғри қилишганлигига имон келтирдим.

Илгари мактаб сифатида фойдаланилган икки қаватли бинонинг кўриниши ҳавас қилгудек, соя-салқингина эди.

Бизга кичкинтойлар "нонушта"га ўтиришганларини айтишди. Очиғи, бу "нонушта" қандай ташкил этилганлигини баён этишга ожизман. Кўз олдингизга келтиринг: дастурхон ёзишга мўлжалланган жажжи стол-стулчаларда кичкинтойлар симга қўнган қалдирғочлардек қаторлашиб ўтиришган. Лекин... столнинг усти қуп-қуруқ. Тарбиячи опаларининг айтишича, улар "нонушта" қилишяпти. Бунинг исботи 20-25 боланинг уч-тўрт нафари қўлидаги нон. На дастурхон солинган, на нон, шакар ва бошқа ширинликлар қўйилган. Эҳтимолки, болалар нонни еб бўлишгандир. Аммо бизга боғча мудираси Нодирахон Абдураҳмонова "болалар нонушта қилишяпти", деб бошлаб келди-ку. Ана сизга туманда яшайдиган қариндошимнинг боласи қўлтиғига нон қистириб боғчага жўнатганлигининг боиси.

Мудира билан боғча ҳовлисида, бино саҳнидаги ўриндиқда суҳбатлашарканмиз, шундоқ олдимизда, иморат саҳни билан унинг олдидаги ариқча қирғоғидаги бетон тўсиқ устида ўтирган икки-уч ёшлардаги икки кичкинтой эътиборимни тортди. Улардан бири юпқа кўйлак, бошқаси майка кийган. Ахир, кичкинтойлар саломатлигининг ашаддий кушандаси ҳисобланган бетон устида нима қилишяпти? Қолаверса, нега болалар назоратсиз? Улар қайси гуруҳда тарбияланишади? Нега тарбиячи опалари қарашмаяпти?

Ўрнимдан туриб кичкинтойларни жойларидан қўзғатдим ва мудирага юқоридаги саволларни бердим.

Яна бир ҳолат мени ҳайратга солди. Балки, мен юзинчи мартадир шу йўлдан хизмат тақозоси билан туманнинг навбатдаги қишлоғига, шунингдек, Мингбулоқ туманига ўтиб юриб, шу ерда болалар боғчаси борлигини билмаган эканман. Сабаби, бу ерда шундай мактабгача тарбия маскани жойлашганлигини эслатувчи бирон белги йўқ. Одатда биринчи навбатда шундай муассаса жойлашган маскандан маълум масофада олдинга бирон йўл белгиси қўйилади. Туман йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари мутасаддилари бу талабни унутишган кўринади. Қолаверса, боғчанинг номи ёзилган ўз дарвозаси бўлиши керак-ку. Бу нарса ҳам шу маҳалгача ҳеч кимнинг ёдига келмаган.

Қишлоқдаги Раҳимахон Ҳайдарова мудирлик қилаётган "Бинафша" дея чиройли ном билан аталган иккинчи боғчада ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Тўрақўрғон-Мингбулоқ йўлининг қирғоғида жойлашган бўлиб, соя-салқинлиги билан эътиборни тортади. Бу ерда боғчани ободонлаштириш, соя-салқин масканга айлантириш учун анча меҳнат қилинганлиги кўриниб турибди. Мудиранинг айтишича, анчадан бери шу соҳада ишлар эди. Мудира ва ошпаз Шаҳрибону Болтабоева билан тушлик овқат учун мўлжалланган масаллиқни кўздан кечирдик. Бизни энг ҳайратга солган нарса шу бўлдики, овқатга номигагина гўшт ажратилган.

Болаларга шу маҳалгача мева берилмаётган экан. Дўхтирлар рухсат этишмаётганмиш... Қандай баҳона бу? Агар кичкинтойлар мева ейишмаса, дармондорилардан қайси манба ҳисобига баҳраманд бўлишади? Шунингдек, болалар дастурхонига шакар қўйилади, дейишди-ю, аммо кўрсата олишмади.

Олчин қишлоғидаги 43-"Ниҳол" болалар боғчасидаги ҳолат ҳам юқоридагилардан кам фарқланади. Бу ерда ҳам мева ва сут маҳсулотлари анқонинг уруғи. Кичкинтойларни овунтирадиган ўйинчоқлар кам. Бизга янги қурилган айвончани кўрсатишди-ю, аммо айвонча қуп-қуруқ ер эди. Пол қилинмаган, хоналарда палослар етишмайди.

Хуллас, ҳар уччала боғчадаги ҳолатдан кўнглимиз тўлмади. Шу ўринда бир гап: Биз кўрган боғчаларнинг мудиралари аҳволни тез кунда ўнглаб олишларини айтиб, танқид қилмаслигимизни илтимос қилишди... Қизиқ, камчиликларни бартараф этиш имкони бор экан шунча вақтдан бери нимани кутишди?

Юртбошимиз ўз маърузаларида ҳамиша келажагимиз эгалари бўлган кичкинтойлар ҳақида кўпроқ қайғуришни, улар хусусида меҳрибонликни кучайтиришни таъкидлайдилар. Шундай экан, эртанги кунини ўйлаган киши, биринчи навбатда раҳбар ходим боғчалар фаолиятини яхшилаши, келажагимиз эгаларининг соғлом, ақлли, замонга мос инсонлар сифатида вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш чорасини кўриши лозим. Ана шунда ота-оналар ўз жигаргўшаларидан кўнгиллари хотиржам ҳолда меҳнат қилишади.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Шоҳмот*

***Шохмот мухлислари кўпдан буён орзиқиб кутаётган жаҳоннинг мутлоқ чемпионини аниқлаб берувчи турнир 27 сентябрда Аргентинада бўлиб ўтади.***

## МУТЛОҚ ЧЕМПИОНЛИК БАҲСИ АРГЕНТИНАДА ЎТАДИ

ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов бу ҳақда маълум этган. Унинг таъкидлашича, бу қарор президентлар кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланган.

Ушбу нуфузли мусобақа мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ долларидан иборат бўлади. Баҳслар икки даврада ўтказилиб, унда ФИДЕ рейтингида кучли саккизликка кирган шоҳмотчилар қатнашади. Ҳар бир шоҳмотчи оқ ва қора доналарда рақибига қарши дона суради. Энг қизиғи, мусобақада бир аёл шоҳмотчи (венгриялик Жужа Полгар) ҳам иштирок этади. Россия шарафини Сведлер ва Морозовичлар ҳимоя қилади.

Шунингдек, ФИДЕнинг амалдаги чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам ўз имкониятларини яна синаб кўради. Турнирнинг Жанубий Америка қитъасида ўтишининг сабаби Аргентинанинг Испания ва бошқа давлатлардан яхшироқ имкониятга эга эканлигидир.

* * *

Баскетбол бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Тўрт босқичда ўтказилган чемпионатнинг барча - йигирма учрашувида ғолиб чиққан Навоийнинг «Ника» жамоаси мамлакатимиз чемпионлигини қўлга киритди.

Шунингдек, Бухоронинг «Университет» жамоаси кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, пойтахт шарафини ҳимоя қилган «Тошкент давлат техника университети» баскетболчи қизларига бронза медали насиб этди.

**(ЎзА)**

*Спорт хабарлари*

## КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ - 2005

Германияда 15 июнда еттинчи бор Конфедерациялар кубоги мусобақалари бошланди. Ҳар икки йилда бир ўтказиладиган турнир Жаҳон чемпионати олдидан ўзига хос муҳим тайёргарлик ҳисобланади.

Турнирда 8 та энг кучли терма жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақалашадилар.

"А" гуруҳида турнир мезбонлари ГЕРМАНИЯ, Америка Кубоги ғолиби - АРГЕНТИНА, Австралия ва Океаниянинг энг кучли термаси - АВСТРАЛИЯ, Африка Кубоги эгалари - ТУНИС терма жамоалари баҳс юритадилар.

"В" гуруҳида жаҳон чемпиони - БРАЗИЛИЯ, Европа чемпиони - ГРЕЦИЯ, Осиё Кубоги ғолиби - ЯПОНИЯ, КОНКАКАФ минтақаси ғолиби - МЕКСИКА жамоалари мусобақалашадилар. Ҳар гуруҳдан икки пешқадам терма жамоа ярим финалда иштирок этади. Ярим финал учрашувлари 25- ва 26 июн кунларига белгиланган.

Финал учрашуви эса Франкфурт-Майндаги гўзал Вальдштадионда 29 июнда бўлиб ўтади.

## АДРИАНОНИНГ ДУБЛИ

Италия Кубоги учун "Рома" ва "Интер" жамоалари биринчи финал учрашувини ўтказдилар. Етти карра Кубок соҳиби "Рома" ўзининг "Олимпико" стадионида 3 карра кубок соҳиби "Интер"ни қабул қилиб, 0:2 ҳисобида ўйинни бой бериб қўйди. Учрашув қаҳрамони "Интер"нинг бразилиялик ҳужумчиси Адриано "Рома" дарбозасига киритилган икки тўпга муаллифлик қилди. Миланда ўтказиладиган жавоб учрашувида "Интер" ғалаба қозонса, жамоа 4 карра, бош мураббий Роберто Манчини учинчи бор кубок соҳиби бўлади, чунки у 2001 йилда "Фиорентина" билан, ўтган мавсумда эса "Лацио" билан Италия Кубогини қўлга киритган.

## "МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД" РЕКОРДГА ШАЙЛАНМОҚДА

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" футбол клуби навбатдаги премьер-лига чемпионати олдидан 42 мингдан ортиқ мавсум абонементларини сотишни мўлжаллаяпти. Агар улар ўз мақсадларига эришсалар рекорд кўрсаткичга эришадилар. Чунки ўтган мавсум арафасида улар 40 минг 72 та абонемент сотишга эришган эдилар. Ишқибозларнинг фаолиятига "М.Ю" клубини америкалик миллионер Малколм Глэйзер томонидан сотиб олиниши ҳамда чипталар нархининг 10 фоизга қимматлашиши ҳам тўсиқ бўла олмаяпти.

## БУГУН ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё Футбол Конфедерацияси қароргоҳида 15 июнда Осиё чемпионлари лигаси ва Кубоги чорак финал баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлади.

Осиё чемпионлар лигаси чорак финал баҳсларида ўзбекистонликларга таниш бўлган Қатарнинг "Ал-Садд", Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоалари билан бирга Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Айн", Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" ва Эроннинг "ПАС" жамоалари иштирок этадилар. Хитойдан икки жамоа иштирок этади. Жанубий Кореянинг "Пусан Парк" жамоаси қатнашади.

Осиё футбол Конфедерацияси Кубогида эса "Ал-Файса" ва "Ал-Хусайн" Иордания жамоалари, Ливаннинг "Ал-Нежме" ва "Ал-Аҳед" жамоалари, Гонконгнинг "Сун Хет" жамоаси Сингапурнинг "Хоум Юнайтед" ва "Танпинес-Раверс" жамоалари қатнашадилар.

## МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ: "МЕН НЬЮ-ЙОРККА ЯНА ҚАЙТАМАН"

Якшанба куни Нью-Йоркда ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Пуэрто Риколик Мигель Котто билан жангга чиқди. Жаҳон чемпиони учун ўтган ыжангда Муҳаммадқодирнинг омади келмади. У ўнг қошидан жароҳат олиб, натижада кўриш қобилиятини йўқотиб қўйди ва 9-раундда жангни тўхтатишга мажбур бўлди. Мигель Котто чемпионлик унвонини сақлаб қолди. Жангдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида ўзбек боксчиси "Мен Нью-Йоркка олтин камар учун курашишга яна қайтаман", деб мухлисларига ваъда берди.

**Т.ЮСУПОВ**
**тайёрлади**

*Касаба уюшма тадбири*

## БАРЧАГА ЁҚҚАН ТУРНИР

Яқинда Тошкент шаҳар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан 1992-1993 йилларда туғилган болалар ўртасида мини футбол бўйича турнир бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан асосий мақсад тармоқ ходимлари фарзандларини оммавий спортга жалб этиш, ўсиб келаётган авлодни соғлом, баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат.

Ёш футболчилар баҳслар давомида чиройли ва қизиқарли ўйинлар намойиш этишди. Бу улар орасидан футболимизнинг эртасини таъминлайдиган спортчилар етишиб чиқишига ишонч уйғотди. Қизғин ва муросасиз курашлар остида ўтган мусобақалар ўз ғолибларини аниқлаб берди. Республика Инкассация бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси А. Жўраев мураббийлигидаги ҳаваскор футболчилар 12 та жамоа ўртасида турнир ғолиблигини қўлга киритди. Кейинги ўринларга Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий банки жамоалари муносиб топилишди.

Ғолиб ва совриндорларга шаҳар тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгашининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Т.ЭШТЎХТАРОВ**



**Суратда: инкассация бирлашмаси жамоаси.**

*Бор бўл, оқибат!*

***Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатиш, ёш авлоднинг жисмонан ва маънавий камолоти, моддий таъминоти тўғрисида ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.***

# АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

Келажагимиз бунёдкорлари ҳаётини яхшилашга қаратилган ижтимоий ҳимоядан бирорта бола четда қолмаслиги керак. Меҳр-оқибатли халқимизнинг азалий анъаналаридан бири кўмакка муҳтожларга елкадош бўлиш, беғараз ёрдам кўрсатишдан иборат. Орол генофондини муҳофазалаш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири болалар саломатлигини мустаҳкамлаш демакдир. Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукумати, жамоа ташкилотлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Sen yolg'iz emassan», «Болалар» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёрдамга муҳтож болаларга муносиб шароит яратиб беришга яқиндан кўмаклашмоқда. Бундан ташқари Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг Нукус филиали, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, ЖСТ, ОТБ, СОС - Киндердорф Интернешнл каби халқаро ташкилотлари ҳам амалий қўллаб-қувватламоқда.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиалига Корея республикасининг «Оннури Вэл фа Ассосиэйшен» хайрия жамғармаси томонидан 377,2 миллион сўмлик кийим-кечаклар топширилди. Беғараз ёрдам кам таъминланган оилалар аъзолари, ёлғиз қариялар, ногиронларга тарқатилди.

Оролбўйи аҳолисини бозор шароитларига мослашувида ижтимоий қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бўйича 3650 дан ортиқ оилаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун 3309,8 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарда 5269 янги иш ўринлари очилди, маҳаллий ёшлар фойдали меҳнат билан шуғулланаётирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси мактаб-интернатлари, «Меҳрибонлик» уйлари ва шифохоналардаги болалар бўлимларини витаминли озиқ-овқатлар билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ бир мунча ишлар амалга оширилди. Давлат таъминотидаги муассасаларга йилнинг куз ва баҳор ойларида ҳар бир болага кунда 100 граммдан витаминли ичимликлар, ҳар хил дамламалар тарқатилаяпти.

Хўжайлидаги «Меҳрибонлик» уйида бўлганимизда тарбия маскани директорининг ўринбосари Олтиной Ўразбоева, парҳез таомлар бўйича тиббиёт ҳамшираси Робия Қўзибоева ва бош ошпаз Бобониёз Матимовларни қизғин иш устида учратдик.

- Бизда сифатли ва калорияли таомлар тайёрланади, - дейди директор ўринбосари Светлана Сон. - Овқатдан сўнг ҳар хил салқин ичимликлар, сабзавот, мева-чевалар тарқатилади. Ошхоналаримиз тоза ва озода, ҳамма нарса етарли.

Тахиатош шаҳридаги болалар уйи врачи Қазнагул Мадраймова, тарбиячи Зайнаб Ўразалиева ўғил-қизларга кучли ва мазали овқатлардан ташқари апельсин, узум, олма, ўрик шарбатлари, гиёҳлардан тайёрланган қайнатмалар берилаётганлигини сўзлаб бердилар.

«Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлар, Нукус шаҳридаги болалар боғчаси республика силга қарши кураш диспансери ва сил касалликлари санаторийси даволанувчиларига 14 миллион сўмлик витаминли озиқ-овқат тарқатилди. Ширин сув, тоза ҳаво - болалар танига даъво. Қўнғирот, Мўйноқ, Қораўзак туманлари ва Нукус шаҳридаги марказий шифохоналарга Канадада ишлаб чиқарилган ичимлик сувини ультрафиолет йўли билан тозалайдиган 34 та замонавий ускуналар 113 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб сотиб олинди ва ўрнатилди. Эндиликда болалар бўлимида даволанаётган ўғил-қизлар сифатли чучук сувни истеъмол қилишяпти.

Давлат бюджети ва хайрия ташкилотлари ҳисобидан Тахтакўпир, Мўйноқ туманлари марказий касалхоналари, Элликқалъадаги силга қарши кураш диспансерига 20 миллион сўмлик дори-дармонлар етказиб берилди.

Давлат қарамоғида бўлган «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйлари, махсус мактаб-интернатлар барча зарур нарсалар озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, мактаб анжомлари ва дарсликлар, тиббий хизмат билан тўлиқ таъминланганлиги, инклюзив таълимнинг тўғри йўлга қўйилганлиги болаларнинг соғлом ўсишига ва ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришига хизмат қилаяпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

---

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар Кенгаши «Ўзулгуржисавдо» Акциядорлик компаниясининг раиси Музрапшо Миржалиловга волидаи муҳтарамаси

**МУҲАББАТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашнинг маъмурий-хўжалик бўлими мудири Насиба Османовага отаси

**ЯГЪЯ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

---

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноти ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши жамоаси Марказий кенгаш ходими И.Ибришга отаси

**ЯГЪЯ ГАФАРОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*

*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.50

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 14198

Буюртма Г— 516

1 2 3 4 5